



ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РИВОЖИГА ЯНГИ СУРЪАТ БАҒИШЛАМОҚДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15-16 декабрь кунлари Қорақалпоғистон Республикасида бўлди.

Давлатимиз раҳбари 16 декабрь кунги Нукус шаҳрида барпо этилган Ибройим Юсупов номидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатга ташриф буюрди.

«Бу ер хали зўр бўлади», «Менинг йигит вақтим, сенинг киз вақтинг», «Кўнгил кўнгилдан сув ичар», «Қорақалпоқни кўп мактама кўзимча», «Бир одамни бир одам»... Ибройим Юсупов қаламига мансуб бу сатрлар халқимиз кўнглидан чуқур жой олган, дунёнинг ўнлаб тилларига таржима қилинган.

Мустақиллик йилларида шоир ижоди муносиб қадрланди. Унинг шеър ва публицистик асарлари кўп минг нускада чоп этилди. И.Юсупов «Эл-юрт ҳурмати», «Дўстлик» орденлари билан тақдирланди. 2004 йил унга Ўзбекистон Қаҳрамони унвони берилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 21 январь кунги Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон ва Ўзбекистон халқ шоири Ибройим Юсупов номидаги мактаб бунёд этиш, мактаб олдига шоир ҳайкалини ўрнатиш, босмахона ташкил қилиш бўйича топшириқлар берган эди.

Шунга мувофиқ, Нукусда уч қаватли замонавий мактаб барпо этилди. Ибройим Юсупов ҳайкали ўрнатилган жой ижодкорлар, ёшлар учун яна бир хийбонга айланди. Мактаб қошида китоб таржима қилиш ва чоп этиш маркази ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари мактабда ўқитувчи ва ўқувчилар, қорақалпоғистонлик адиблар билан учрашди. Мактаб ўқувчилари Ибройим Юсупов шеърларидан ўқиб берди.

Шавкат Мирзиёев бу ерни маънавий масканга айлантириш, атоқли шоир ва ёзувчиларимиз ижодини халқимизга ва бутун дунёга кенг тарғиб этиш зарурлигини таъкидлади. Бунинг учун мамлакатимизда ташкил этилган Ибрат, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Мухаммад Юсуф номидаги мактаблар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш, улар ўртасида ижодий танловлар ўтказиш керак. Жамиятда китобсеварлик муҳитини шакллантириш, айниқса, ёшларнинг китоб мутолаасига бўлган қизиқиши ҳар томонлама рағбатлантирилиши лозим.

Президентимиз мактаб-интернатда яратилган шароитларни кўздан кечирди. Мактаб жамоасига автобус совға қилиш бўйича кўрсатма берди.

Нукус шаҳрида иш бошлаган «Samsung» заводига кираверишда тош лавҳага шундай сўзлар ёзилган: «Ушбу маиший техника воситаларини ишлаб чиқариш заводи Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 21 январдаги Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомидаги ташаббуси асосида барпо қилинди. 2017 йил 14 октябрда завод дастлабки маҳсулотини ишлаб чиқарди».

Собик «Нукус Реммаш» масъулияти чекланган жамиятига қарашли бино ва иншоотларни реконструкция қилиш ва қўшимча бинолар қуриш ҳисобига барпо этилган заводда телевизорнинг тўрт ва чанголтичнинг ўн уч тури ишлаб чиқарилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ушбу заводни бориб кўрди. Ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирди, маҳсулотлар сифати ва кўлами билан қизиқди.

Бугун «Samsung» бренди остида ишлаб чиқарилаётган маиший техника воситалари кириб бормаган хонадон бўлмаса керак. 200 дан ортиқ киши бандлиги таъминланган янги корхона энг сўнгги русумдаги ускуналар билан жиҳозланган.

Бугун мамлакатимизда маиший техника воситалари ишлаб чиқариш ҳажми ошди. Аҳолининг бу борадаги талаби қондирилмоқда. Энди бу соҳада экспорт ҳажмини оширадиган вақт келди, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан жорий йилда Қорақалпоғистон Республикасида қатор йирик лойиҳалар амалга оширилди. Биргина «Ўзэлтехсанюат» АК томонидан умумий қиймати 27,5 миллиард сўмлик 12 лойиҳа ҳаёtgа татбиқ қилинди.

Президентимизга «Ўзэлтехсанюат» АК томонидан келгусида Қорақалпоғистон

Республикасида амалга оширилиши режалаштирилган янги лойиҳалар тақдим қилинди. Лойиҳалар ярим-автомат кир ювиш машиналари, электр шкафлар ва сув иситиш мосламалари, иситиш мосламалари ва радиаторлар, энергия тежамкор лампалар ишлаб чиқариш, маиший техника воситаларини сотиш ва техник хизмат кўрсатиш каби йўналишларни қамраб олган.

Мамлакатимизнинг бошқа шаҳарлари қатори Нукус шаҳри киёфаси ҳам йилдан-йилга гўзаллашиб, замонавий турар жойлар, истироҳат боғлари, спорт мажмуалари бунёд этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Нукусда янгидан қурилган Олимпия ва миллий спорт турларига ихтисослаштирилган олий спорт маҳорати мактаби фаолияти билан танишди.

Спортнинг эркин ва юнон-рум кураши, оғир атлетика, дзюдо, таэквондо, бокс, қиличбозлик, бадий гимнастика сингари 11 тури билан шугулланиш имконияти яратилган янги спорт мажмуасини бунёд этиш учун 15 миллиард сўмликка яқин қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилган. Замонавий спорт жиҳозлари билан таъминланган 7 спорт зали, ётоқхона, ошхона, машғулотлар учун сунъий қопламали спорт майдончаларида 700 дан зиёд ўғил-қиз спорт билан мунтазам шугулланиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ушбу спорт комплекси юқорида қайд этилган спорт турлари бўйича Қорақалпоғистон терма жамоалари ўқув-йигини машғулотни ўтказадиган базага айлантирилади. Мажмуа ўқув-йигини машғулотлари учун яратилган имкониятлари бўйича мамлакатимизда ягона ҳисобланади.

Президентимиз ёш спортчилар билан мулоқот қилди.

Авваламбор шундай замонавий спорт иншооти билан сизларни табриклайман, деди Шавкат Мирзиёев. Бу масканда спорт билан шугулланиш учун барча шароит яратилган. Энди шу имкониятлардан самарали фойдаланиб, юксак натижаларга эришиш керак.

Давлатимиз раҳбари мажмуада Қорақалпоғистон спорт мураббийларининг малакасини ошириш марказини ташкил этиш бўйича топшириқлар берди.

Шу ерда Президентимиз номидан оғир атлетика бўйича нуфузли турнирлар совриндори Рустам Жангабоевга уй, дзюдоchi Элёр Машариповга «Malibu» автомобили, қиличбозлик бўйича халқаро турнирлар совриндори Зайнаб Дайибековага «Nexia» машинаси берилди. Ёш спортчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Шавкат Мирзиёев Нукус шаҳар бош режаси асосида амалга оширилаётган бунёдкорлик лойиҳалари билан танишди. Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Нукуснинг бош режаси шаҳарни 2035 йилгача ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, инфратузилма ва аҳоли турар жой шароитини яхшилашга қаратилган кенг кўламли бунёдкорлик лойиҳаларини қамраб олган.

Давлатимиз раҳбари жорий йил январь ойида Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи чоғида Нукуснинг Ерناзар Олакўз кўчасини реконструкция қилиш лойиҳаси билан танишиб, уни янада такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар берган эди. Режага кўра, ушбу марказий кўча кенгайтирилиб, транспорт ҳаракати учун янада кенг қулайлик яратиш, йўл бўйида кўп қаватли уйлар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қуриш белгиланганди.

Айни пайтда бу ерда замонавий лойиҳалар асосида 5 қаватли 30 турар жой биноси қуриб битказилмоқда. Имтиёзли ипотека кредити асосида бериладиган ушбу уйларда замонавий қулайликлар яратилади. Уйлар 2018 йилда фойдаланишга топширилади. Келаси йили ушбу кўчада яна 20 уй қурилади.

Шаҳарнинг Абдамбетов кўчасида ҳам арзонлаштирилган уйлардан иборат турар жой массиви барпо этилмоқда. Жорий йилда қурилган

кўп қаватли 7 уй шу кунларда ўз эгаларига топширилмоқда.

Массивда замонавий маҳалла маркази, хизмат кўрсатиш шохобчалари, «Гўзаллик саломи», минибанк, болалар ўйин майдончалари барпо этилади, ҳудуд ободонлаштирилади.

Давлатимиз раҳбари аҳолининг арзонлаштирилган ўй-жойларга қизиқиши ортиб бораётганини инобатга олиб, келгуси йили бу ерда яна 15 кўп қаватли уй қуриш бўйича топшириқ берди.

Шу ерда Президентимизнинг Сергели туманига ташрифи чоғида берган кўрсатмалари асосида кўп қаватли уйларнинг 1-қаватида болалар боғчаси ва оилавий поликлиникини жойлаштириш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳа тақдироти ҳам ўтказилди.

Шавкат Мирзиёев замонавий шаҳарсозликнинг илғор ечимларини ўзида мужассамлаштирадиган, аҳолига ҳар томонлама қулайлик яратадиган ушбу уйларнинг афзаллигига эътибор қаратди, лойиҳани такомиллаштириш, кўп фарзандли оилалар ва кексаларга қўшимча шароитлар яратиш кераклигини таъкидлади.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали шифоҳонасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва реконструкция ишлари, Ажиниёв номидаги Нукус давлат педагогика институтининг янги бош ўқув биносини қуриш, «Dian-plast» масъулияти чекланган жамияти томонидан юмшоқ юк контейнерлари, полиэтилен қоплар ва сумкалар ишлаб чиқариш лойиҳалари ҳам муҳокама қилиниб, бу борада топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

Президентимиз Нукус шаҳридаги «Имом эшон Мухаммад» жоме масжидида яратилган шароитлар билан танишди. Шавкат Мирзиёев жорий йил 20-21 январь кунлари Қорақалпоғистонга қилган ташрифи давомида Нукус шаҳридаги «Имом эшон Мухаммад» жоме масжидида бўлиб, бу ерда имом-хатиблар малакасини ошириш ўқув маркази, ётоқхона, кутубхона барпо этиш, масжид ҳудудини ободонлаштириш ва атрофига девор қуриш, новвойхона ташкил қилиш, ҳовуз, фаввора ва бошқа қулайликлар яратиш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Бу ерда ўтган 11 ой давомида кенг кўламли қурилиш ва реконструкция ишлари бажарилди. Масжид маъмурий биносининг биринчи қаватида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Қорақалпоғистондаги вакилиги идораси жойлашган бўлиб, унинг барча хоналари қайта таъмирдан чиқарилди. Иккинчи қаватида ахборот-ресурс маркази, кутубхоналар ташкил этилди. Иссиқ пол қурилди, эшиклари янгисига алмаштирилди. Намоз ўқийдиган маскан реконструкция қилиниб, гумбаз қайта ишланди. Масжид ёнида минора, ҳовуз, новвойхона, автомобиллар учун тўхташ жойи ва бошқа қулайликлар бунёд этилди. Манзарали дарахт ва гуллар экилди.

Шунингдек, масжид ёнида имом-хатиблар малакасини ошириш ўқув маркази ташкил этилиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди.

Президентимиз нурунийлар ва имом-хатиблар билан суҳбатлашди.

Буюк аجدодларимиз ҳаёти ва маънавий меросини чуқур ўрганиш учун барча шароитни яратамиз. Аҳоли зиёрат қилиб, чинакам маънавий озуқа оладиган бундай маънавий-маърифий масканларни янада обод қилиб, келажак авлодлар учун сақлашимиз керак, деди Президентимиз Шавкат Мирзиёев.

Бугун Қорақалпоғистонда ҳаёт бутунлай ўзгармоқда. Барча шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва овуллар янгича чирой очмоқда, замонавий корхоналар, таълим, тиббиёт, маданият, спорт ва ижтимоий соҳанинг бошқа масканлари, коммуникация тармоқлари барпо этилмоқда. Бу эса Қорақалпоғистон Республикасининг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тутган ўрни тобора ортиб бораётганидан далолатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига Муҳтарам Шавкат Миронович!

Ўзбекистон Республикасига расмий ташриф давомида менга ва Қирғизистон делегациясига кўрсатилган эҳтиром ва меҳмондўстлик учун чуқур миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Менинг ташрифим жорий йилда мамлакатларимиз ўртасида янада мустаҳкамланган олий даражадаги ишончли мулоқотнинг мантикий давоми бўлди.

Ўзаро англашув ва ишонч муҳитида ўтган музокаралардан гоёта мамнунман.

Қирғизистон билан Ўзбекистоннинг халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик алоқалари, яхши қўшничилик ва қардошлик муносабатларига асосланган стратегик шериклигини янада мустаҳкамлаш бўйича эришилган келишувлардан жуда хурсандман.

Йўловчи транспорти катновини қайта тиклаш, транзит ташишларни таъминлаш ва транспорт йўлақлари очиш, шунингдек, экспорт-импорт алоқаларини фойдаллаштиришга

қаратилган қўшма режаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши оддий фуқаролар турмуш фаровонлигини ошириш ҳамда ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун зарур шароитлар яратишига ишончим комил.

Уйлайманки, Қирғизистон — Ўзбекистон давлат чегараларининг қолган қисмини делимитация қилиш ишлари ўзаро ҳурмат ва манфаатларни ҳисобга олиш тамойиллари асосида фаол суръатда давом этади.

Сизнинг дипломатияда янги анъаналарга асос солаётганингиз, давлатлараро аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилишда ностандарт ва самарали ёндашувларни намоён қилаётганингиз таҳсинга сазовор. Сиз нафақат Қирғизистон ва Ўзбекистон, балки бутун минтақа мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликка ижобий суръат бағишладингиз.

Қирғизистон Сизнинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг

мунтазам учрашувларини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббусингизни тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Биз бу ташаббусни амалга ошириш йўлида барча саъй-ҳаракатларимизни ишга солишимиз.

Қадрли Шавкат Миронович! Ўртаимизда дўстлик ва биродарлик муносабатлари қарор топганидан гоёта мамнунман.

Сизнинг ташриф давомида бир неча бор янграган «дардингизни ўз дардимиз, ғалабангизни ўз ғалабамиз сифатида қабул қиламиз», деган сўзларингиз қирғиз халқига эзгу муносабатингиз ифодаси бўлиб, қалбимдан чуқур жой олди.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, давлат раҳбари сифатидаги фаолиятингизда улкан муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик ва тараққиёт тилайман.

Ҳурмат билан,
Сооронбай ЖЭЗНБЕКОВ,
Қирғизистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING РИВОЖЛАНИШ ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИНИ ШАКЛЛАНИТИРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ЯНГИ ТАРТИБИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқариш объектларини барпо этиш мақсадида иқтисодийни жадал ривожлантириш, чет эл инвестицияларини фаол жалб қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, мазкур соҳадаги фаолиятнинг самаралорлигига, энг аввало, мавжуд ресурслардан ноқўйилан фойдаланиш, инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги ва рентабеллиги юзаки ўрганилганлиги билан боғлиқ қатор камчиликлар салбий таъсир кўрсатмоқда.

Амалдаги ресурсларни, шунингдек, инвестициялар, энг аввало, хорижий инвестицияларни жалб этишнинг реал имкониятларини инобатга олган

ҳолда иқтисодий тармоқлари ва ҳудудларни узоқ муддатли ривожлантириш концепцияси мавжуд эмас. Бунинг оқибатида иқтисодий жиҳатдан истиқболли бўлмаган лойиҳаларни ташаббус қилиш, молиявий маблағларни самарасиз сарфлаш ҳолатлари мавжуд бўлиб, бу охир-оқибатда, умуман, мамлакатнинг инвестициявий жозибдорлигини пасайтиришга олиб келади.

Мазкур ҳолатлар инвестиция дастурларини шакллантириш тартиби, уни молиялаштириш механизмларини тубдан қайта қўриб чиқишни, амалга оширишга таклиф этилган лойиҳаларни танлаб олишнинг шаффофлиги ва самарадорлигини оширишни талаб қилади.

► Давоми 2-бетда.

МАКТАБГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ ТОПШИРИЛДИ

**Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев жойларда иқтисодий-ижтимоий
ислохотларнинг бориши билан танишиш мақсадида 15-16 декабрь кунлари
Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди.**



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн учинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси 2017 йил 20 декабрь кунги эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2017 йил 19 декабрь кунги соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатта олинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING РИВОЖЛАНИШ ДАВЛАТ
ДАСТУРЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ
ЯНГИ ТАРТИБИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш тартибини янада такомиллаштириш, лойиҳаларни молиялаштириш ва таълаб олишнинг самардорлиги ва шаффофлигини таъминлаш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожланишнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ;

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг;

марказлаштирилган манбалар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган, шу жумладан, ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш бўйича лойиҳаларни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурлари (кейинги ўринларда ривожланиш давлат дастурлари деб юритилади) асосида амалга ошириш тартибини жорий этиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармасини (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) ташкил этиш ҳақидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки: ривожланиш давлат дастурларига киритилган, молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари белгиланган лойиҳаларни молиялаштириш фақат Жамғарма орқали амалга оширилади;

Жамғарма маблағлари Ўзбекистон Республикаси Марказий

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

банкдаги ҳисобварақларда жамланади;

Жамғарманинг ижро этувчи органи ва маблағларининг тасаруф этувчиси Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Инвестициялар, инновацион ривожлантириш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш, туризм масалалари комплекс раҳбари Жамғарманинг ижро этувчи директори ҳисобланади;

Жамғарманинг ижро этувчи директори ва унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари Жамғарма Кузатув кенгаши томонидан белгилансин.

3. Қўйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат бюджетдан ташқари жамғармаларнинг ривожланиш давлат дастурларига киритилган лойиҳаларни молиялаштириш учун мўлжалланган маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг ривожланиш давлат дастурларини амалга ошириш учун ажратилган маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолати билан жалб этиладиган чет эл кредитлари;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари билан белгиланадиган бошқа манбалар.

4. Қўйидагилар: Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низоми 1-иловага мувофиқ;

Жамғарма Кузатув кенгашининг таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилаб қўйилсинки: ривожланиш давлат дастурлари

тегишли ривожланиш концепциясини ҳисобга олган ҳолда тасдиқланадиган, узоқ муддатли истиқболда, қоида тариқасида, 10-15 йилда Ўзбекистон Республикасининг тармоқ, ҳудудий ва мақсадли ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комплекс кўринишини ва стратегик вазифаларни жамлаган тармоқ, ҳудудий ва мақсадли лойиҳалар портфели асосида шакллантирилади;

ривожланиш давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва реализация қилиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси томонидан Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Инвестициялар, инновацион ривожлантириш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш, туризм масалалари комплекс раҳбарининг бошчилигида амалга оширилади;

ривожланиш давлат дастурларини молиялаштириш учун мўлжалланган номарказлаштирилган инвестициялар Жамғармада ҳисобга олинади;

ривожланиш давлат дастурларини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг улар бўйича ижобий хулосаси бўлган ҳоллардагина амалга оширилади;

марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштирилган лойиҳаларни ривожланиш давлат дастурларига киритиш Жамғарма Кузатув кенгашининг ижобий қарори бўлган ҳоллардагина амалга оширилади;

ривожланиш давлат дастурларини молиялаштириш учун тижорат банкларининг кредитлари лойиҳаларнинг лойиҳа-смета

ҳужжатлари ва бизнес-режалари пухта ва ҳар томонлама ўрганилгандан сўнг, шунингдек, тижорат банки кредит қўмитасининг ижобий қарори мавжуд бўлган ҳолларда тақдим этилади.

6. Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги икки ҳафта муддатда Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигига ривожланиш давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ишларни ташкил этиш учун зарур бўлган маълумотлар базалари ва бошқа ахборотлар тақдим этилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Жамғарма фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Ҳукумат қарори лойиҳасини;

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ривожланиш давлат дастурларига киритилган лойиҳаларнинг лойиҳа-олди, лойиҳа ва тендер ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлашнинг, шунингдек, бошқа давлат органлари ва ташкилотларнинг вазифа ва штат бирликлари оптималлаштириш орқали Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги тизимида мазкур

ҳужжатлар ва импорт контрактларининг комплекс экспертизасини амалга ошириш учун масъул бўлган махсус тузилмани ташкил этишни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси фаолиятини молиялаштиришга маблағларни 2018 йил 1 январдан асослантирилган ҳисоб-китоблар бўйича ажратсин ҳамда ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети харажатларида назарда тутсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги «Капитал қурилишда ҳўжалик муносабатлари механизмининг такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 395-сон қарорида:

3-банднинг тўртинчи хатбоши-си чиқариб ташлансин;

4-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.Р.Ҳолмуродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори Ш.М.Саидов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 18 декабрь

ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО
МУНОСАБАТЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси томонидан «Ўзбекистон: миллатлараро муносабатларни ривожлантиришнинг янги босқичи» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 25 йиллигига бағишланган тадбир Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда миллий маданият марказлари, дўстлик жамиятлари, турли жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимиз Конституциясида ирқи, жинси, диний эътиқоддан қатъи назар, барча фуқаролар тенглиги белгилаб қўйилганлиги таъкидланди. Президентимизнинг 2017 йил 19 майдаги «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази директори, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов Бош қўмитамизнинг яратилиш тарихи ҳақида сўзлаб берди ҳамда БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг

дин ва эътиқод эркинлиги, масаласи бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳид жорий йил юртимизда бўлиб, Ўзбекистоннинг миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик борасида эришилган ютуқларини юксак баҳолаганини алоҳида қайд этди.

Анжуманда тарих фанлари доктори, профессор Раҳбар Муртазоева, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Қодир Жўраев, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси бўлим бошлиғи Б.Каримов «Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида бағрикенглик тамойилларининг ўрни ва аҳамияти», «Мустақил Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни ривожлантириш жараёни ва баргикенглик масалалари», «Глобаллашув ва ахборот цивилизацияси даврида бағрикенглик масалалари» каби мавзуларда маъруза қилди.

Сўзга чиққанлар Конституциямизда белгиланган тамойиллар жамиятда миллатлараро ҳамжиҳатлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Миллатлараро тотувлигини янада мустаҳкамлашда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб келинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ўрни бекиёсидир.

Тадбирда миллий маданият марказлари ва дўстлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш масалалари муҳокама этилди, долзарб масалалар ечими бўйича тегишли тавсиялар берилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.Комилов иштирок этди.

Аблай КАМОЛОВ,
ЎЗА мухбири.

Муносабат

ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИ УЛУҒ



Комил АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон ногиронлар
жамияти раиси:

Маълумки, мамлакатимизнинг Асосий Қонунида жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар барча фуқароларнинг бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга эканлиги, қонун олдида тенглиги белгилаб қўйилган.

Шу нуқтаи назардан келиб чиққанда, давлатимиз раҳбарининг бу Фармони ногиронлар жамиятининг тенг ҳуқуқли аъзолиги эканини аниқ ва равшан белгилайдиган тарихий ҳужжат сифатида муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳақиқат «ногирон» тушунчасининг муомаладан чиқарилиб, жисмоний нуқсонга эга бўлган ҳар бир фуқароннинг, аввало инсон эканлиги ҳисобга олинган ҳолда умумэътироф этилган «ногиронлиги бўлган шахс» атамаси қонун ҳужжатларига киритилмоқда.

Айни пайтда Фармон билан 51 банддан иборат Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувват-

— Президентимизнинг «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони Халқаро ногиронлар куни арафасида эълон қилиниши чўқур рамзий маънога эга.

лаш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Ҳозирги пайтда республикамизда 650 мингдан ортиқ ногиронлиги бўлган фуқаролар истиқомат қилади. Ўзбекистон ногиронлар жамияти мустақиллигининг илк йилларидан бошлаб уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида фаолият кўрсатиб келмоқда. Жамиятимиз жамоат бирлашмаси ҳисобланади. Шу боисдан ҳам аъзоларимизнинг талаб ва эҳтиёжларини тўлиқ қанадир борасида имкониятимиз чекланган албатта. Мазкур Фармон эса қўллаб-қувватловчи давлат мисли ҳисобга бўлмади.

Ушбу ҳужжатда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт сифати ва даражасини оширишдан тортиб, уларга қулайлик яратиш мақсадида жамоат транспортини пандуслар, алоҳида жойлар билан, бекатлар ва маршрутларни эшиттирувчи маълумот таблолари каби махсус воситалар билан жиҳозлаш, улардан эркин фойдаланишни босқичма-босқич таъминлаш, ногиронлиги бўлган шахсларни қабул қилиш учун олий ўқув юрларида қўшимча икки фоизли квота ажратишга бел-

гиланган. Айниқса, келгуси йил 1 январдан бошлаб, фаолият кўрсатиш тури ва уни амалга ошириш жойидан қатъи назар, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс ҳисобланган яқка тартибдаги тадбиркорлар учун бир ойда энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида, яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар ҳисобидан ишга ёлланган ҳар бир ишчи учун — бир ойда энг кам иш ҳақининг 15 фоизи миқдорида қатъий белгиланган солиқ ставкаси ўрнатилгани ҳам жамиятимиз аъзоларини мамнун этиди.

Албатта, мазкур Фармоннинг инсонпарварлик моҳияти, мамлакатимизда ногиронлиги бўлган фуқароларга Конституциямизда белгиланган барча ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланишлари, барча юрtdошларимиз билан Ватанимиз фаровонлиги йўлида ўз имкониятлари даражасида меҳнат қилишлари, ўз меҳнатлари самараларидан баҳраманд бўлишлари борасида яратилаётган имкониятлар ва имтиёزلарни санаб адо этиш қийин. Мухтасар айтганда, ушбу ҳужжат овозда ва обод Ўзбекистонимизда инсоннинг кадр-қиммати ва унинг манфаатларини ҳар нарсадан улуғ ва муқаддас эканлигининг яна бир амалий ифодасидир.

МАКТАБГА
ПРЕЗИДЕНТ
СОВҒАСИ
ТОПШИРИЛДИ

Президентимиз ташрифининг иккинчи куни Ибройим Юсупов номидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатда бўлиб, қисқа фурсатда янгидан бунёд этилган ушбу билим масканда яратилган шароитлар билан танишди, ёш истеъодлар билан суҳбатлашди. Мактаб ўқувчиларига Самарқандда ишлаб чиқарилган «Isuzu» автобуси совға қилинди.

Уч қаватли замонавий мактаб биноси олдидаги Ибройим Юсупов хайкали ўрнатилган жой иходкорлар, ёшлар учун яна бир хийбонга айланган. Мактаб қошида китобхона таржима қилиш ва чоп этиш маркази ҳам ташкил этилган.

Кеча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М.Ернийозов янги автобус қалитини мактаб жамоасига тантанали равишда топширди.

— Президентимиз билан учрашув бизда жуда катта таассурот қолдирди, — дейди мактаб ўқувчиси Бердибек Айтмуратов. — Давлатимиз раҳбарига ўзимнинг Ибройим Юсупов хотирасига бағишлаб ёзган шеъримни ўқиб бердим. Қандай бўларкин, деган ҳадик бор эди, йўқ, маъқул келди. Мени мактади. Ҳозир мен дунёдаги энг бахтли ўқувчиман. Бундай бахтга мушарраф қилган Президентимиздан миннатдорам. Шундай юрт фарзанди эканимдан фахрланаман.

Президент совғасини олган ўқувчилар шу кунги Нукус шаҳри бўйлаб автобусда сайр қилди.

А.ОРТИҚБОВ,
ЎЗА мухбири.

Сайлов — 2017

ТАЙЁРГАРЛИК
ҚИЗҒИН
ПАЛЛАДА

Жорий йилнинг 24 декабрь куни Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашига бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик жараёнлари тобора қизгин тус олмақда.

— Қизқай сайлов комиссиясининг асосий тадбирлар дастурига мувофиқ, ушбу муҳим сиёсий тадбирнинг ҳар томонлама пухта ва оқори савияда ўтишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Юнусобод туманидаги «Туркўрғон» маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 735-участка сайлов комиссияси раиси Гулнора Дадажоновна. — Шунингдек, сайлов участкалари фаолияти белгиланган тартибда зарур жиҳозлар, техник восита ва услубий қўлланмалар билан таъминланди.

Участкамизда 1 минг 720 нафар сайловчи овоз бериши кўтилмоқда. Шу кунларда сайловчиларнинг сайлов қонунчилиги борасидаги билимини ошириш, уларга сайловга оид маълумотларни етказишга бағишланган тадбирлар ташкил этилмоқда. Бу йилги сайловнинг муҳим жиҳати, овоз бериш жараёнларида электрон воситалардан фойдаланилади. Яъни, участка сайлов комиссиялари ягона электрон тизимга уланган. Бу сайлов билан боғлиқ маълумотлар ҳаққонийлиги ва тежоратлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, сайлов кунги муайян сабабларга кўра сайловда иштирок эта олмайдиган фуқароларимизга ҳам шароит яратиб берилади. Қонунчиликка кўра, улар олдиндан ўзлари истаган номзодга овоз беришлари мумкин.

Тоштемир ХУДОЙКУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ҳозирги пайтда республикамизда 650 мингдан ортиқ ногиронлиги бўлган фуқаролар истиқомат қилади.

24 ДЕКАБРЬ КУНИ БЎЛИБ ЎТАДИГАН САЙЛОВДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!



Сайлов ШОТЎЛАНОВ билан суратлар.

ЯХШИ ЯШАШ УЧУН ИНТИЛИШ

албатта қўллаб-қувватланиши керак

24 декабрь куни Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов ўтказилиши мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеалардан биридир. Янги ташкилий-ҳуқуқий шароитда ўтказилаётган сайлов пойтахтимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда, ҳудудларда демократик ислохотларни жадаллаштиришда катта аҳамиятга эга. Бу ҳақда Тошкент шаҳар партия ташкилоти мутасаддиларининг фикри қандай? Сайловга тайёргарлик жараёнлари қай тарзда олиб бориляпти? ЎзХДП номзодлари қайси ижтимоий масалаларни кўтариб чиқмоқда?..



Ҳайдар БОБОХОНОВ,
ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши
раиси:

— Шаҳримиз туманларида халқ депутатлари Кенгашларининг тузилиши аҳолини ўйлантираётган масалаларнинг илдизига етиб бориш, депутатлик ва жамоатчилик назоратини янада кучайтириш, маҳаллий давлат органлари раҳбарларининг ўз фаолияти тўғрисида ҳисоботлари ва ахборотларини эшитиш, ҳудудларни ривожлантириш бўйича муқобил таклифларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш учун, аввало, одамларга меҳнат қилиш имкониятини бериш керак.

Туман Кенгашлари тузилиши натижасида туманлар микросиёсий масалаларни чуқур ва танқидий-таҳлилий нуқтаи назардан кўриб чиқиш, ҳулосаларни умумлаштириш, пухта ва пишиқ таклифлар ишлаб чиқиш имкони ортади. Бунда нафақат аҳолини ташвишлантириб келаётган масалалар атрофида кўриб чиқилади, маҳаллий бюджет, ҳудудларни ривожлантиришнинг истикболга мўлжалланган дастурлари ишлаб чиқилади ва қабул қилинади. Демак, ушбу сайлов пойтахт туманлари ривожига ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Кўриниб турибдики, мазкур ижтимоий-сиёсий жараён сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрнини ҳам белгилаб беради. Сайловдан кейин ҳар бир туман Кенгашида партиянинг гуруҳларининг тузилиши биз учун принципиал аҳамиятга эгадир. Партияимизнинг электрат манфаатларини ҳимоя қилиш

борасидаги ташаббус ва амалий ҳаракатлари қучайиши кўп жиҳатдан ана шу омилга боғлиқдир.

Шунинг учун айни кунларда депутатликка кўрсатилган номзодлар ҳудудларда сайловолди тарғибот ишларини қизғин олиб борапти. Партияимиз Сайловолди дастурига тўхталадиган бўлсак, унда кам таъминланган оилаларни манзилли ижтимоий ҳимоялаш, меҳнатга лаёқатли фуқароларни муносиб ҳақ тўланадиган барқарор иш ўринлари билан таъминлаш, аҳолига юқори сифатли ва мақбул тиббий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш, шунингдек, демократик ҳуқуқий давлат ва очик фуқаролик жамиятини шакллантиришга оид қатор таклифлар илгари сурилган. Улар ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш давлат ва жамият олдида турган энг муҳим, энг долзарб вазифалардан ҳисобланади. Одамларнинг ҳаётга қарashi, турмуш тарзи ва кайфияти, амалга оширилаётган ислохотларга муносабати улар қай даражада ижтимоий ҳимояланганлиги билан бевосита боғлиқ. Шундан келиб чиқиб, партияимиз Сайловолди дастурида аҳолининг эҳтиёжманд қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш масаласи устувор йўналиш этиб белгиланган.

Бизнингча, кучли ижтимоий сиёсат бир қатор масалаларни қамраб олади. Аввало, меҳнатга лаёқатли аҳолининг муносиб ҳақ тўланадиган иш топишга интилишини қўллаб-қувватлаш, уларнинг шахсий ташаббускорлиги ва тадбиркорлигини рағбатлантириш керак. Шунингдек, пенсионерлар, меҳнатга лаёқатсиз ногиронлар, боқувчиларни йўқотганлар, аҳолининг меҳнат қила олмайдиган бошқа ижтимоий гуруҳлари ҳаётини эҳтиёжларини тўлақонли қондиришни кафолатловчи пенсия таъминоти ва ижтимоий нафақаларнинг самарали тизимини вужудга келтириш долзарб аҳамиятга эга.

Ушбу вазифаларни ҳал этиш иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларини танлашда давлатнинг тартибга солувчилик ролини янада мустаҳкамлашни талаб этади. Бу иқтисодий ислохотлар ижтимоий самарадорлигининг зарурий шартини ҳисобланади.

Ўзбекистон ХДП мамлакатимизнинг ўсиб бораётган иқтисодий салоҳиятидан аҳолининг барча қатламлари, шу жумладан, унинг кам таъминланган гуруҳлари турмуш даражасини яхшилаш учун фойдаланишга қаратилган стратегик йўналишни фаол қўллаб-қувватлайди. Бизнинг дастуриимиз аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтисодий даромадларини кўпайтириш масалаларини ўз ичига олади. Депутатликка номзодларнинг дастурлари ҳам ушбу ёндашув асосида шакллантирилган.



Сергели туманидаги 21-Иттифок сайлов округидан депутатликка номзоди кўрсатилган Мирзохид Хидиров ўз дастурида аҳолининг ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ бир қатор долзарб масалаларни илгари сурган. Ундаги мақсад ва режалар халқчил бўлиб, аҳолининг ижтимоий муҳофазасига муҳтож қатлами манфаатларига мос келади. Яъни, унда янги иш ўринлари яратиш, боқимандалик кайфиятини бартараф этиш, фаол ҳаёт тарзини қўллаб-қувватлаш каби йўналишлар қамраб олинган.

Маълумотларга кўра, Сергели туманида 128 кам таъминланган оила бор. Номзодимиз кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам ва ижтимоий нафақаларни тўлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини микрокредитлаш ва микромоллаш тизимининг самарадорлигини янада ошириш ва ислох қилиш тарафдор.

Агар мушоҳада қилиб кўрадиган бўлсак, номзодимиз илгари сураётган ушбу масала ўзининг чуқур ҳаётини асослаган эга. Ундан кўзланган асосий мақсад одамларнинг ишлашга, муносиб ҳаёт кечиришга интилишини қўллаб-қувватлаш ҳисобланади. Бу ҳар биримизнинг оиламиз, яқинларимиз турмуш фаровонлигига хизмат қиладиган омиллардир. Айтайлик, кам таъминланган оила аъзосида ишлаб чиқаришнинг қайсидир турида иш бошлаш учун режа, гоёлар бор. Лекин уларни амалга ошириш учун у етарли маблағга эга эмас. Агар унинг меҳнат фаолиятини қўллаб-қувватлаб, молиявий жиҳатдан кўмак кўрсатилса, у ўз ишини йўлга қўяди, оиласи фаровонлигига уллуш қўшади. Бундай оилалар қанча кўпайса, жамиятда боқимандалик кайфиятига ўрин қолмайди.

Ҳар бир одам меҳнат қилишга, муносиб ҳаёт кечиришга ҳақли, албатта. Бу инсоннинг энг бирламчи, устувор ҳуқуқидир. Лекин ҳаёт тақозоси, турли омиллар сабаб ҳаммада ҳам бундай имконият бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун давлат ва жамият эҳтиёжманд кишиларнинг интилиши ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларга ҳар томонлама мадад бериш зарур. Халқимиз тарихи ва турмушидаги юксак анъаналаримиз шуни тақозо қилади.



Учтепа туманидаги 18-Богистон сайлов округидан депутатликка номзод Бахтиёр Абдуллаевнинг дастурида ҳам ана шу масалаларга чуқур эътибор қаратилган.

Хусусан, номзод дастурида ижтимоий қўллаб-қувватлаш божимандалик кайфиятини тугатишга йўналтириш, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, уларнинг бу борадаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида ургў берилган. Бу таклифлар тараққиётимизнинг бугунги босқичида жуда долзарб аҳамиятга эга.

Номзодимиз фикрича, аҳолининг манзилли ижтимоий ҳимоясини таъминлашнинг энг самарали шакли, бу шубҳасиз, уларни иш, барқарор даромад манбаи билан таъминлашдир. Шу тамойилдан келиб чиқиб, унинг дастурида қатор долзарб масалалар ўрин олган.

Жумладан, номзод муносиб иш ҳақи тўланадиган барқарор иш ўринларини тақдим этаётган корхоналарда меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича сайй-ҳаракатларни фойдаллаштириш таклифини илгари сурмоқда. Унинг фикрича, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларига мамлакатда мавжуд бўлган бўш меҳнат ресурсларини фаол жалб қилиш иқтисодий ўсишнинг муҳим омилли ҳисобланади.

Жамиятда шундай инсонлар борки, жисмоний имконияти чекланган бўлишига қарамадан меҳнат қилиб, яхши ҳаёт учун интилади. Уларнинг бу ҳаракати, албатта, қўллаб-қувватланиши керак. Айниқса, ногиронларнинг ижтимоий мослашувини таъминлаш мақсадида ногиронлар меҳнат қилиши учун ихтисослашган корхоналар ташкил этишнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш, жумладан, давлатнинг марказлашган сармоялари ҳисобидан бундай корхоналар тармоғини ривожлантириш чораларини кўриш, йирик корхоналарга қасаначилик иш жойларини ташкил этиш бўйича мажбурий квоталар белгилаш ижтимоий муҳофазани таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Номзодимиз шу таклифни илгари сураб экан, қўлидан иш келадиган жисмоний имконияти чекланган фуқароларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаётга қизиқишини ошириш мақсадини ҳам кўзда тутди. Имкон доирасида меҳнат билан банд бўлишга ҳаракат қилиб, оиласи фаровонлигига ҳисса қўшишга интилаётган инсонларга далда бўлиш, уларнинг бандлигини таъминлашга яқиндан туриб кўмаклашиш эса бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири.

Ишли, турмуш даражаси кўнгилдагидек бўлган одам эртасидан кўнгли тўқ яшайди. Шу маънода изоҳлайдиган бўлсак, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш учун, аввало, одамларга меҳнат қилиш имкониятини бериш керак. Бунинг учун бандлик дастури ва бошқа ижтимоий-иқтисодий дастурларнинг ижросини қатъий таъминлаш талаб этилади. Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзодларнинг дастурлари шу жиҳатлари билан аҳамиятлидир.

Партияимиз таълим ва соғлиқни сақлаш, суд-ҳуқуқ, ўй-жой ва коммунал хизматлар кўрсатиш тизимини янада ислох этишга эътибор қаратади.



Шайхонхур туманидаги 25-Бўстон сайлов округидан депутатликка номзод Ирода Абдуллаевнинг дастури ҳам партияимизнинг мазкур йўналишлардаги устувор гоёларига асосланади.

Депутатликка номзод мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшлар, ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар, касб танлаши, таълим олиши ва ўқув муассасаларини битиргач, албатта, биринчи иш ўринларига эга бўлиши, бунинг учун адолатли шарт-шароитлар яратиш зарур, деган таклифни илгари сурапти. Депутатликка номзод ўз дастурида долзарб масалаларни кўтарган. Чунки таълим-тарбия, бандлик масаласи мамлакат келажакини белгилувчи асосий омиллардан биридир.

Шайхонхур туманида 9 касб-хунар коллежи, 3 академик лицей фаолият юритмоқда. 2016-2017 ўқув йилида уларни 3764 нафар йигит-қиз тамомлади. Очиғини айтиш керак, улар орасида ҳали-ҳамон иш қидираётганлар бор. Номзодимиз фикрича, битирувчиларни иш билан таъминлаш кечиктириб бўлмайдиган вазифадир.

Катта ҳаётга кириб келаётган ёшларни ишга жойлаштириш масаласини улар ўқилиш битириш масаласида эмас, балки таълим арасидаги ўқишга кириши билан бошлаш керак. Масалан, корхона ва ташкилотлар эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ўрта махсус маълумотга эга бўлган кадрлар тайёрлаш амалиётини янада ривожлантиришни замоннинг ўзи талаб қилапти. Бунда корхона ва ташкилотларнинг ўқувчилар ишлаб чиқариш амалиётини самарали ташкил этиш босқичидаги маъсулиятини ошириш зарур, дейди депутатликка номзод.


Номзодларимиз дастурларидан ўрин олган гоёлар пойтахтимиз тараққиётини янги босқичга олиб чиқиш, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш каби эзгу мақсадлар билан сугорилган. Сайловчиларни ушбу гоёларни қўллаб-қувватлашга, номзодларимизга овоз беришга чақирамиз.



«ШҲҲҲҲҲҲҲҲҲ»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

мамлакатимиз аҳолисини кириб келаётган
Янги йил айёми билан табриклайди.
Барчага тинчлик, мустаҳкам
соғлиқ, омонлик тилайди.



«ТУРОН ХҲҲҲҲҲҲҲҲ»

акциядорлик жамияти жамоаси:

— Барча ҳамюртларимизни кириб келаётган
Янги йил билан муборақбод этамиз!



«АГРОХИЗМАТ ШИНДОНГ»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси:

— Юрдошларимизни Янги йил
шодиёналари билан қутлаймиз!
Кўнгилаарда эзгулик ва шукроналик
туйғулари бардавом бўлсин!





Қизилтепа туманидаги

«ВАНҲОЗИ АГРОЭКСПОРТ»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

бунёдкор халқимизни Янги — 2018 йил
билан табриклайди!
Байрам кайфияти сизларни
йил давомида тарқ этмасин!



МУАССИС:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-38-55, 233-47-80

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1238
8762
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 23:45
Topshirilgan vaqti — 00:50

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Alisher RO'ZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5 6